



ПРЕСС-РЕЛИЗ



Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг “Кучли шамоллар туфайли мавсумга ҳос бўлмаган чанг-қумли бўрон ходисалари юзасидан” Брифинг

Иқлимга боғлиқ табиий офатлар хавфининг тобора ортиб бориши жамиятни хавотирга солиб, унинг олдига хавфли табиий офатлар хавфини камайтиришга йўналтирилган масалани қўймоқда. Ўзбекистонда қурғоқчилик, сув тақчиллиги, селлар каби ҳодисаларнинг хавфи юқоридир. Ана шундай табиий ҳодисалар натижасида етказиладиган катта зиённинг эҳтимоли ва келажакда иқлим ўзгариши туфайли бу ҳодисаларнинг тез-тез такрорланиши иқлимий хавфларни бошқариш муамолари долзарблигини оширмоқда.

Иқлимий хавфларни бошқариш бу иқлимга боғлиқ табиий офатлар юзага келганда етказиладиган зиённи камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни қўллай билиш демакдир.

Иқлимий хавфларни самарали бошқариш учун идоралараро мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласи иқлимий хавфларни бошқариш бўйича идоралараро ягона ахборот-таҳлилий платформани яратиш, бу борадаги хабардорликни ошириш ва хавфли ҳодисаларни эрта огоҳлантириш тизимини амалга оширишга тайёр туришни ўз ичига олади.

Ўзбекистон шароитларида ҳам иқлим ўзгаришлари ва хавфли табиий ҳодисаларнинг тез-тез такрорланиши жамоатчиликни ташвишга солиб, иқлимий хавфларни бошқариш зарурлигини англаймоқда. Иқлимга боғлиқ экстремал табиий ҳодисалар оқибатларини камайтириш йўлида қўйилган ҳар бир қадам жамиятнинг ҳимояланганини оширади ва барқарор ривожланишга хизмат қилади.

Ўзгидрометда Табиий муҳит ифлосланиши мониторинги бошқармаси фаолият юритади: Белгиланган вазифалар ва ўрганилаётган атроф муҳит компонентларига қараб давлат атроф муҳит ҳолати мониторинги тизими қуйидагиларни ўз ичига олади: атмосфера ҳавоси мониторинги, юза сувлар сифати мониторинги, тупроқлар ҳолати мониторинги, радиация мониторинги, фон мониторинги.

Табиий муҳит ифлосланиши мониторинги хизмати Ўзгидрометнинг тезкор хизмати ҳисобланади. Хизматда атмосфера ҳавоси, юза сувлар ва тупроқ ифлосланиши устидан кузатувлар олиб борилади.

Атмосфера ҳавоси ифлосланиши устидан кузатувлар Ўзбекистоннинг 25 та йирик шаҳарларида ва аҳоли пунктларида олиб борилади.

Ўзгидромет ахборот хизмати